

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 22-fevral, shanba № 15 (15757)

ФАРЗАНДАРИ СОҒЛОМ МАМЛАКАТНИНГ КЕЛАЖАГИ БУЮҚДИР

*Давлатимиз раҳбари
Ислом Каримов ташаббуси билан
2014 йилнинг мамлакатимизда
Соғлом бола йили деб эълон
қилиниши жамоатчилигимиз
томонидан кенг қўллаб-қувватланди.*

Жорий йилнинг 19 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлом бола йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Шунини ишонч билан айтиш мумкинки, бу мустақиллигимизнинг илк кунларидан жисмонан соғлом ва маънан етук баркамол авлодни тарбиялаш устувор вазифа этиб белгиланган ижтимоий йўналтирилган давлат сиёсатининг мантикий давоми бўлди. Она ва бола, Ёшлар, Баркамол авлод, Оила ва бошқа номлар билан аталган йилларда амалга оширилган ишлар халқимизнинг эзгу орзуси бўлган соғлом бола тарбиялашдек олижаноб мақсадга ҳамоҳангдир. Ҳеч шубҳасиз, ҳар биримиз фарзандларимизни соғлом ва ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш, уларнинг бахт-саодати, ёруғ келажагини кўришни ният қиламиз.

Ўтган даврда кенг миқёсли ва теран мазмунли улкан ишлар, мамлакатимиз ва жамиятимиз тараққиёти учун гоёта муҳим аҳамият касб этувчи вазифаларни бажаришга йўналтирилган қатор умуммиллий дастурлар, биринчи навбатда, «Соғлом она – соғлом бола» дастури амалга оширилди. Фарзандларимиз ва халқимиз бахти учун, келажагимиз учун қилинаётган бу эзгу ишлар изчиллик билан давом этиб, тобора кенгайиб бораётгани, юксак самаралар бераётгани қувонарлидир.

Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ этиш доирасида юқори самарадорлиги бутун дунёда эътироф этилган она ва бола соғлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели шакллантирилди. Ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинлари, шу жумладан, қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникаларнинг кенг тармоғи яратилгани натижасида аҳоли, авваломбор қишлоқ жойлардаги оналар ва болаларнинг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятлари кенгайди.

Сўнгги ўн йилда даволаш-профилактика муассасаларини модернизация қилиш ва энг замонавий ускуналар билан жиҳозлаш учун 750 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ йўналтирилди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда оналар ўлими 3,1 баробар, гўдақлар ўлими 3,2 баробар камайди. «Она ва бола скрининги» дастури амалга оширилиши натижасида туғма нуқсонли болалар туғилиши 2000 йилдан буён 1,8 марта камайди. Бугунги кунда мамлакатимиз болаларининг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келади. «Save the children» халқаро ташкилоти рейтингига кўра, Ўзбекистон дунёдаги болалар саломатлиги тўғрисида энг кўп ғамхўрлик кўрсатадиган ўнта мамлакат қаторидан жой олди.

(Давоми 2-саҳифада)



■ Kun mavzusi ■

СИФАТ ВА МИҚДОР УЙҒУНЛИГИДА

Пойтахтимизда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг «Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ривожланишининг сифат ва миқдор ўзгаришлари» мавзусида ҳисобот конференцияси бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, институт марказий аппарати, ҳудудий бўлинмалари ходимлари, таъсисчилар кенгаши аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари, илмий тадқиқот институтлари ҳамда таъ-

лим муассасалари, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган хорижий ва халқаро ташкилотлар вакиллари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Жамоатчилик ва хорижий эксперт-таҳлилчиларни институтнинг ўтган йилдаги фаолияти

ҳақида хабардор қилиш, шунингдек, мамлакатимизда фуқаролик жамияти ривожланишининг ҳолати ва истиқболларини ҳар томонлама муҳокама этишга бағишланган конференцияда институт директори Э.Салиховнинг ҳисобот маърузаси тингланди ва муҳокама этилди. Ўтган йили мазкур институт ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари Президентимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фу-

қаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган устувор вазифалар ижросини изчиллик билан таъминлади. Ҳисобот даврида фуқаролик жамияти институтларининг жамоатчилик назоратини амалга ошириш ва жойлардаги ижтимоий аҳамиятга молик муҳим вазифаларни ҳал этишдаги ўрни ва ролини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

(Давоми 4-саҳифада)

ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ МАМЛАКАТНИНГ КЕЛАЖАГИ БУЮҚДИР

(Давоми, аввали
1-саҳифада)

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълими ривожлантириш умуммиллий давлат дастурининг амалга оширилиши самаралари мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган улкан эътиборнинг яққол тасдиғидир. Маълумки, Ўзбекистонда 12 йиллик мажбурий таълим жорий этилган, унинг сифати халқаро талабларга жавоб беради. 2004 йилдан буён умумтаълим мактабларини қуриш, моддий-техник базасини яхшилаш ва жиҳозлаш учун жами 2,8 триллион сўмдан ортиқ, болалар мусиқа ва санъат мактабларига 2009 йилдан буён 488 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди.

Спорт мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялашнинг ажралмас таркибий қисмига айланган. Уни болалар ва ўсмирлар, айниқса, қизлар ўртасида оммалаштириш, соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш бўйича ноёб тизим яратилди. Нафақат шаҳарларда, балки энг олис туманларда ҳам замонавий спорт комплекслари барпо этилди. 2003-2013 йилларда 1816 спорт объекти ишга туширилди, бу болаларни оммавий тарзда спорт билан мунтазам шуғулланишга ва уларнинг саломатлигини мустаҳкамлашга кўмаклашмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда икки миллионга яқин бола, шу жумладан, 842 минг қизлар 30 дан ортиқ спорт тури билан мунтазам шуғулланмоқда.

Мамлакатимизда маънавият ва маърифатни юксалтиришга, болаларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга катта эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бир қаторда ҳаётнинг ўзи олдимизга соғлом авлодни тарбиялашдек муҳим соҳада янги вазифаларни қўймоқда. Масалан, профилактика ишлари даражаси ва тиббий хизматлар сифатини, айниқса, қишлоқ жойларда янада ошириш билан боғлиқ масалалар ҳамон долзарб бўлиб турибди. Никоҳдан ўтувчиларни тиббий кўриқдан ўтказиш сифатини янада яхшилаш, кўриқни амалга оширувчи мутахассислар масъулиятини кучайтириш лозим. Мактабгача таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш, оила институтини мустаҳкамлаш ишлари ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Айни пайтда соғлиқни сақлаш тизимига болаларнинг соғлиғини таъминлашдек улкан масъулият юкланган. Шу муносабат билан жорий йилда соҳанинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, авваломбор, она ва бола соғлиғини муҳофаза қилиш билан шуғулланувчи тиббиёт

муассасаларини энг замонавий ускуналар билан жиҳозлаш, малакали кадрлар билан таъминлашга эътибор янада кучайтирилади.

Албатта, соғлом болани тарбиялашда аҳолининг тиббий маданияти ҳам муҳим ўрин тутди, бу масала ҳануз долзарблигича қолмоқда.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурида кўзда тутилган чора-тадбирлар, аввало шу муҳим масалаларни ҳал қилишга қаратилган.

Жорий йилда Давлат дастурини амалга ошириш жараёнида бу ишларнинг барчаси янада юқори даражага кўтарилади. Дастурда аввало ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом, мустақил фикрлай оладиган, юксак интеллектуал салоҳиятли, чуқур билимли ва замонавий дунёқарашга эга, мамлакат тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир баркамол авлодни шакллантириш, давлат ва имкониятларини ана шу мақсадларга сафарбар этишга доир кенг миқёсли чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Дастур етти бўлим ва 125 банддан иборат бўлиб, унда болалар туғилиши, таълим-тарбияси, оилада соғлом муҳитни, унинг иқтисодий ва маънавий-ахлоқий асосларини мустаҳкамлаш, ижтимоий соҳа ривожига ажратилаётган маблағлар самарадорлигини ошириш билан боғлиқ барча масалалар акс этган.

Биринчи навбатда, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш учун қулай ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратишга қаратилган қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, янги қоида ва меъёрларни ишлаб чиқиш бўйича чора-тадбирлар белгиланган.

Саккизта қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш режалаштирилган. «Болаларни жисмоний ва маънавий ривожига зарарли таъсир кўрсатувчи ахборотдан химоя қилиш тўғрисида», «Аҳолининг санитария-эпидемиологик барқарорлиги тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида», янги таҳрирдаги «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати асослари тўғрисида»ги ва бошқа қонунлар шулар жумласидандир.

«Болаларни жисмоний ва маънавий ривожига зарарли таъсир кўрсатувчи ахборотдан химоя қилиш тўғрисида»ги қонунда болаларни уларнинг онгини бузувчи, руҳий жароҳат етказувчи ахборот таъсиридан химоя қилиш, оммавий ахборот воситаларида шафқатсизлик ва зўравонлик тарғиботига йўл қўймасликнинг таъсирчан ташкилий-

ҳуқуқий механизмлари кўзда тутилади.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурида оилада меҳр-оқибат ва ўзаро ҳурмат муҳити, юксак ахлоқий ва маънавий қадриятларни барқарор қилиш, ёш оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, хотин-қизлар ўз иқтидорини рўёбга чиқариши учун зарур шароитлар яратиш, уларнинг кундалик рўзғор юмушларини енгиллаштириш каби биринчи даражали вазифалар белгиланган.

Хотин-қизлар, болалар ва ўсмирларнинг сифатли тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида ҳар ойда соғломлаштириш ҳафталиклари ташкил этилади, шунингдек, мамлакатимиз етакчи тиббиёт муассасалари мутахассислари иштирокида олис туманларда яшовчи 145 минг нафар аҳоли чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилади.

Янги оилавий поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктлари, санатория-курорт объеклари барпо этиш, мавжудларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ишлари давом эттирилади.

Мамлакатимизда 130 маданият ва дам олиш марказларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўн бешта янги маданият ва истироҳат боғларини барпо этиш, мавжуд йиғирма тўққизтасини реконструкция қилиш ва таъмирлаш режалаштирилган.

Маиший техника ишлаб чиқариш ва уни харид қилиш учун истеъмол кредитлари ажратишни кенгайтириш ҳисобига хотин-қизларнинг маиший шароитларини яхшилаш ва рўзғор юмушларини енгиллаштиришга катта аҳамият берилмоқда. 194 тумандаги олис қишлоқларда гўзаллик салони, тикувчилик, таъмирлаш устахоналари ва бошқа хизмат кўрсатиш корхоналаридан иборат намунавий маиший хизмат мажмуалари очилади.

Қишлоқ оилаларини замонавий уй-жой билан таъминлаш, уларнинг турмуш даражаси ва сифатини юксалтириш борасидаги ишлар янги босқичга кўтарилади. 2014 йилда намунавий лойиҳалар асосида 11 минг якка тартибдаги уйлар қурилади. Икки минг ёш оилага уй-жой қуриш ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган узоқ мuddат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш учун фозисиз ссудалар берилади. Туманлар марказлари ва қишлоқларда сув таъминоти ва канализация тизимларини яхшилашга доир қатор янги лойиҳалар амалга оширилади.

Жорий йилда соғлом фарзандлар туғилиши ва уларнинг саломатлигини мустаҳ-

камлаш учун шарт-шароитларни янада яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилади. МДХ мамлакатларида ўхшаши бўлмаган замонавий кўп тармоқли болалар марказини (IV даражали) қуриш ва уни юқори технологик тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш кўзда тутилган. Республика ихтисослашган педиатрия илмий-амалий марказининг қатор бўлинмалари, ТошПТИ клиникалари, 13 вилоят кўп тармоқли болалар тиббий марказлари, 62 туман тиббиёт бирлашмалари ва бошқа тиббий ва тиббий-ижтимоий муассасалар қурилади ҳамда тубдан таъмирланади. Уларнинг барчаси замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланади, бу болаларга жаҳон стандартлари даражасида ихтисослаштирилган юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш имконини беради.

Аҳолининг санитария-эпидемиологик барқарорлигини таъминлашнинг энг самарали воситаларидан бири юқумли касалликлар профилактикаси. Шу мақсадда турли инфекцияларга қарши янги вакциналарнинг босқичма- босқич жорий қилинишини ҳисобга олиб, болаларни эмлаш дастурини такомиллаштириш зарур. Миллий эмлаш тақвими асосида контингентнинг камида 97 фоизини қамраб олган профилактик вакцинация қилиш кўлами кенгайтирилади.

Йил давомида мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ва ўқувчиларнинг 6,6 миллионга яқини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилади, таркибида йод моддаси бўлган дори-дармонлар воситасида соғломлаштирилади. Қишлоқларда яшайдиган оналарнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида 400 минг нафар ҳомиладор аёл махсус поливитаминлар билан бепул таъминланади.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурида мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техник базасини босқичма-босқич мустаҳкамлаш, шу жумладан, уларни тубдан таъмирлаш ва жиҳозлаш, янгиларини қуришга йўналтирилган аниқ вазифалар белгиланган. Болаларни мактабга тайёрлаш бўйича мутлақо янги дастурларнинг ишлаб чиқирилиши ва жорий этилиши белгиланган бўлиб, уларда болаларнинг ақлий, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожланиши кўзда тутилган.

«Баркамол авлод» болалар марказларини шакллантириш дастурининг амалга оширилиши жараёнида 66 шундай марказлар тубдан таъмирланади ва жиҳозланади. Бу болаларни ижодга, шу жумладан, техник ижодий ишларга янада кенг жалб қилишга кўмаклашади.

Бошланғич синфларда ўқи-

тиш сифатини янада кўтариш чоралари белгиланган. Жумладан, 1-4 синф ўқувчилари учун ўқув дастурлари ва дарсликларнинг қайта кўриб чиқирилиши, шунингдек, ўқитувчилар учун тегишли услубий қўлланмалар ишлаб чиқирилиши назарда тутилган.

2014/2015 ўқув йилида 2,6 миллион ўқувчи 575 номдаги 25 миллион нусха дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмалар билан таъминланади.

«Миллий умумтаълим электрон кутубхона» лойиҳасининг амалга оширилиши ҳам болаларнинг интеллектуал ривожланишига кўмаклашади. Лойиҳада турли билим олишга оид ва ўқув материалларини электрон форматга ўтказиш маркази, мультимедиа ахборот ресурслари маркази, шунингдек, интеграциялашган ахборот-кутубхона тармоғи ташкил этилиши, Ўзбекистондаги барча ахборот-кутубхона муассасаларининг 2020 йилгача ушбу тармоққа уланиши мўлжалланган.

Мамлакатимизда ота-она меҳридан маҳрум ва имконияти чекланган болаларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда. 2015-2017 йилларда Меҳрибонлик уйлари, ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар ва мактабгача тарбия муассасаларининг моддий-техник базасини босқичма-босқич мустаҳкамлаш, ривожланган давлатларнинг илғор тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ўқув-тарбия жараёнини тубдан такомиллаштириш чоралари кўрилади.

Бу йил режалаштирилган қатор қизиқарли тадбирлар ўқувчиларнинг ақлий, ижодий ва спортга оид лаёқатларини ривожлантиришга қаратилган. Наманган вилоятида ўтадиган «Баркамол авлод» спорт ўйинлари, болалар ижодиёти республика фестиваллари, «Она юрт наволари» халқ чолғу асбоблари халқаро танлови, «Энг ёш ихтирочи» танлови ва бошқа тадбирлар шулар жумласидандир.

Давлат дастурида 60,1 мингта ўқув ўринга мўлжалланган 380 умумтаълим мактабларини реконструкция қилиш ва таъмирлаш, уларни компьютер техникаси, ўқув-лаборатория жиҳозлари ва бошқа ускуналар билан таъминлаш белгиланган. Бундан ташқари, 161 касб-ҳунар коллежи ва академик лицей, 48 болалар мусиқа ва санъат мактаби, 110 болалар спорт объекларини қуриш, реконструкция қилиш ва тубдан таъмирлаш режалаштирилган.

Мамлакатимизда болаларнинг чет тилларни ўрганишига катта эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда мактаблардаги чет тиллари хоналарини замонавий ахборот-коммуникация ва техника воситалари билан жиҳозлаш кўзда тутилган.

(Давоми 3-саҳифада)

ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ МАМЛАКАТНИНГ КЕЛАЖАГИ БУЮҚДИР

(Давоми, аввали
1-, 2-саҳифаларда)

Бошланғич синф ўқувчиларини қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш давом эттирилади. Жумладан, 586,9 минг нафар биринчи синф ўқувчиларига ўқув жиҳозлари тўпламлари ва 6,5 миллион нусхадаги дарсликлар, умумтаълим мактабларининг 500 мингдан ортиқ 2-синф ўқувчиларига чет тиллар бўйича мультимедиа иловали дарсликлар бепул берилди.

Ёзги таътил даврида болаларнинг ҳордиқ чиқариши ва бўш вақтларини мазмунли ўтказишини таъминлаш мақсадида соғломлаштириш оромгоҳларига 280 минг нафар ўғил-қиз имтиёзли, 35,7

минг нафари бепул йўлланмалар билан таъминланади.

Тошкент ва Термиздаги ҳайвонот боғларининг, Тошкентдаги ботаника боғининг реконструкция қилиниши, Самарқанд ва Фарғонада Тошкент ҳайвонот боғи филиалларининг очилиши, Зарафшон шаҳрида аквапарк қурилиши, шунингдек, Республика кўғирчоқ театри ва «Томоша» болалар мусикали театр студиясининг капитал таъмирдан чиқарилиши мўлжалланган.

Халқимизга хос бағрикенглик, муҳтожларга кўмак бериш каби фазилатларни акс эттирувчи кўплаб тадбирларни ўтказиш режалаштирилган. Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан кам таъминланган оилалар фарзандларига 516,9 минг тўпламдаги қишки ки-

йим ва 3,1 миллион нусхада дарслик, ўқув қуроллари бепул берилди. Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва кам таъминланган оилалар фарзандларини халқимизнинг бой тарихий ва маданий мероси билан таништириш мақсадида Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарларига бепул саёҳатлар, шунингдек, музейлар, ҳайвонот ва ботаника боғларига экскурсиялар ташкил этилади.

2014 йил ноябрь ойида Тошкентда «Бола учун ижтимоий шериклик: миллий ва хорижий илғор тажриба» мавзусида халқаро форум ўтказилади.

Мамлакатимиз учун долзарб ушбу вазифаларни оилалар, мактаблар, соғлиқни сақлаш тизими, давлат ва жамоат ташкилотлари, нодавлат но-

тижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг ўзаро ҳамкорлигида амалга ошириш мумкин.

Давлат дастурида соғлом болани тарбиялашда, оилаларга, биринчи навбатда, ёш оилаларга ўз вақтида ва манзилли моддий ҳамда маънавий кўмак беришда маҳалла институтининг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришга, ролини оширишга алоҳида эътибор қаратилган.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган эзгу ишларнинг рўйхатини яна узоқ давом эттириш мумкин.

Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, биз таянчимиз ва суюнчимиз, гуруримиз ва ифтихоримиз

бўлмиш болаларимизга, фарзандларимизга ишонч билан, хурмат-эътибор билан қарашни келажагимизга бўлган ишонч, миллатимизга, халқимизга бўлган хурмат-эҳтиром ифодаси, деб биламиз.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури бунинг яна бир ёрқин тасдиғидир. Давлат дастури доирасида амалга оширилган тадбирларга 4 509,2 миллиард сўм ва 302,9 миллион доллар миқдоридан маблағ йўналтирилади. Мазкур дастурнинг бажарилиши мамлакатимиз учун асосий мақсади инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган кенг қўламли ислохотлар йўлида навбатдаги муҳим қадам бўлади.

ЎЗА

Hisobot-saylov konferensiyalari

ЁШЛАР ҲАЁТИДА МУҲИМ ПАЛЛАЛАР

Айни кунларда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ҳудудий кенгашларида навбатдаги VI ҳисобот-сайлов конференциялари қизгин давом этмоқда. Конференцияларда «Камолот» ЁИХ фаолияти сарҳисоб қилиниб, ютуқлар билан биргаликда камчиликлар, қилиниши зарур бўлган масалалар ҳам муҳокама этилмоқда. Ёшларнинг ишончли вакили бўлиб сайланган делегатлар муносиб номзодларга овоз бериш билан ўз етакчиларини сайлашмоқда. Куйида жойларда бўлиб ўтаётган ҳисобот-сайлов конференциялари ҳақида хабар берамиз.



Қашқадарё. Вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган «Камолот» ЁИХ Қашқадарё вилояти кенгашининг навбатдаги конференцияси ҳам қизгин муҳокама-ларга бой бўлди. Ҳисобот конференциясида Ҳаракат томонидан амалга оширилган ишлар таҳлил қилиниб, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда бошланғич ташкилотларнинг масъулияти ва таъсирини ошириш, «оммавий маданият» ва ахборот хуружларига қарши курашишда ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш, таълим сифатини таъминлашда жамоатчилик назоратини кучайтириш, ёшларни, айниқса, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш, тадбиркорликка жалб қилиш, эрта турмуш қуришнинг олдини олиш, вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг профилактикасини самарали ташкил этишда кўмаклашиш каби масалаларга атрофлича тўхталиб ўтилди.

Конференцияда сўзга чиққанлар мамлакатимизда ёшларга қаратилган эътибор, яратилаётган имкониятлар ҳамда Ҳаракатнинг вилоят кенгаши ҳисобот даврида амалга оширган ишлари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Ёшлар ҳаётида учраётган муаммолар ва уларнинг ечимлари ҳамда қилиниши зарур бўлган масалалар бўйича таклифларини айтишди.

Кун тартибига қўйилган масалалар кўриб чиқилгандан сўнг, делегатларнинг овоз бериш йўли билан «Камолот» ЁИХ Қашқадарё вилояти кенгаши раислигига амалдаги раис Фурқат Норматов қайта сайланди. Раис ўринбосари этиб Собиржон Мусулмонов, вилоят «Камалак» болалар ташкилоти раислигига эса Нилуфар Назарова сайланди.

Тадбирда Қашқадарё вилояти ҳокими Зафар Рўзиев иштирок этди.

Шавкат КАРОМОВ,
«Turkiston» мухбири.
Собир Нарзиев олган сурат



Қорақалпоғистон Республикаси

Бу галги ҳисобот-сайлов конференцияси қорақалпоқ ёшлари учун ҳақиқий байрамга айланди. Конференцияга Ҳаракатнинг Нукус шаҳри ва ўн тўртта тумани кенгашларидан сайланган делегатлар, аниқроғи, қорақалпоқ халқининг фаол ёшлари ўзларининг етакчисини, яъни ёшларнинг ҳақиқий таянчи ва суюнчи бўла оладиган «Камолот» ЁИХ Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раисини сайлаш ҳамда зарур таклифларини билдириш учун Нукус шаҳрида учрашишди.

Бердақ номидаги мусикали театрда бўлиб ўтган конференция аввалида ёш тадбиркорлар, хунарманд ва фермерлар ҳамда «Ёшлар ижтимоий хизматлари маркази» аъзоларининг ижодий ишлари намойиш этилди.

Ёшлар кутган дақиқалар бошланди. Дастлаб Ҳаракатнинг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ва назорат-тафтиш комиссиясининг ўтган давр давомидаги фаолияти юзасидан ҳисоботи ва амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар тўғрисида Ҳаракатнинг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси Ж.Абдужамиллов ҳамда назорат-тафтиш гуруҳи раҳбари С.Алаётдиновнинг ҳисоботлари тингланди. Кун тартибидеги масала бўйича «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши раиси ўринбосари А.Нас-

ретдинов сўзга чиқиб, Ҳаракатнинг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан олиб борилган ишларини қониқарли деб баҳолади. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг биринчи ўринбосари А.Хамраев мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялашда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, қорақалпоқ ёшларининг эришаётган муваффақиятлари, Ҳаракатнинг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши бажараётган ишлар ҳамда қилиниши зарур бўлган вазифалар ҳақида ўз фикрини билдириб ўтди.

Конференцияда сўз олган ёшлар ва ҳамкор ташкилотлар вакиллари «Камолот» фаолиятини янада ривожлантириш, келажақда қайси соҳаларга кўпроқ эътибор қаратиш бўйича таклифларини билдирди.

— «Камолот» ЁИХ Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши қошида чет тилларни ўргатувчи марказ ташкил этилса, яхши бўларди. Ушбу марказда нафақат инглиз, рус тиллари, балки хитой, француз, немис, италян, испан ва бошқа тиллар ўргатилса, тенгдошларим учун янада кенг имкониятлар пайдо бўларди. Агар «Камолот» ушбу таклифимни қўллаб-қувватласа, халқимиз тарихи ва маданиятини дунёга танитишда мен ҳам ўз ҳиссамни қўшардим,

— дейди делегатлардан бири, Нукус ҳуқуқшунослик коллежи ўқувчиси Бердақ Жийенбаев.

— Сўнгги йилларда ҳарбийлар «Камолот»чилар билан яхши лойиҳаларни амалга оширишяпти, — дейди делегат, капитан Ғайрат Исломов. — Бу ҳамкорликни янада кучайтириш керак. Болалигимда ҳарбийларга ҳавас қилардим. Мана, бугун ўз орзумимга эришиб, юрт, халқ тинчлиги ва осойишталиги йўлида хизмат қиляпман.

Кун тартибидеги барча масалалар кўриб чиқилгач, «Камолот» ЁИХ Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раислигига номзод этиб, амалдаги раис Жолдас Абдужамиллов номзоди делегатларга ҳавола этилди. Делегатлар бир овоздан Жолдас Абдужамилловни қайта сайлади. Шунингдек, «Камолот» ЁИХ Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси ўринбосари Соғиндик Турманов, «Камалак» болалар ташкилоти раиси Абатбай Данияров ҳам делегатлар томонидан ўз вазифаларига қайта сайланди.

Конференция якунида иштирокчиларга Қорақалпоғистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлиги тайёрлаган концерт дастури намойиш этилди.

Клара ХУДОЙБЕРГАНОВА

ЁШ ТАРҒИБОТЧИЛАР

ЎЗ БИЛИМ ВА МАҲОРАТЛАРИНИ НАМОЁН ЭТДИ

Пойтахтимизда мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида «Энг фаол ёш тарғиботчи» кўрик-танлови ўтказилди. «Камолот» ЁИХ ҳамда Республика Маънавият тарғибот марказларининг Тошкент шаҳар кенгашлари ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу лойиҳада йигирма икки нафар йигит-қиз нотиқлик маҳоратини намоён этди.

Бу ёшлар танловнинг туман босқичларида сараланди. Шаҳар босқичида улар аудитория олдида муайян мавзуда равон нутқ сўзлаш, фикрини эркин баён этиш, матнни ифодали ўқиш шартлари бўйича беллашдилар. Ҳакамлар йигит ва қизларнинг чиқишларини алоҳида баҳолаб боришди. Ҳакамлар ҳайъатидан психолог, радио ва тележурналистлар, Маънавият тарғибот маркази ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари ўрин олди.

Малакали мутахассислар иштирокчиларнинг дунёқараши, фикрлаш доираси, шеърни маромига етказиб ўқиши ҳамда маъруза қилганда эътиборини ўзига жалб эта олиши, маъруза моҳиятини тўлиқ ва тўғри очиб бериши, саҳнада ўзини тутиши, нутқ равонлиги ҳамда товуш уйғунлиги, шунингдек, ташқи кўриниши ва кийиниш одобиға

алоҳида эътибор қаратдилар. Таъкидлаш керак, танловда қатнашган ўқувчиларнинг аксарияти катта даврада илк маротаба нотиқ сифатида ўзларини синаб кўрди.

— Чиқиш навбатим келганида дастлаб ҳаяжонимни енгилга ҳаракат қилдим, — дейди Тошкент автомобиль йўллар қурилиши касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Жавоҳир Саидов. — Овозим ва қиёфам бошловчи типажига мос келгани сабабли коллежда турли тадбир ва байрамларни олиб бориш доимо менга топширилади. Лекин нотиқлик умуман бошқа нарса. Келгусида ижтимоий фаол шахс бўлишни хоҳлайман. Ҳозир буни давр, қолаверса, юртимизда рўй бераётган ижтимоий, сиёсий жараёнлар тақозо этмоқда. Бугунги танлов эса ўзимни намоён этишимга имконият берди. Демократик ислохотлар ҳамда кучли фуқаро-



лик жамиятини ривожлантириш йўлидан бораётган давлатимиз учун ёш тарғиботчилар жуда керак, деб ўйлайман.

Тошкент давлат юридик университети қошидаги академик лицей ўқувчиси Ойдин Мўминова танловга фақат ғалаба қозониш мақсадида келганини яширмади.

— Олдимга ҳамиша юқори марралар қўяман, — дейди суҳбатдошимиз. — Қайси ишга киришмайин, уни, албатта, катта натижа билан яқунлашим керак, дейман ўзимга-ўзим. Нотиқлик бўлғуси касбимнинг муҳим қисми

ҳисобланади. Ҳуқуқшунос яхши нотиқ бўла олиши даркор. Аслида, танлов орқали бу борада қанчалик маҳоратли эканимни синаб кўрмоқчи эдим. Туманда йигирма нафардан зиёд қиз ичидан шаҳар босқичига етиб келдим. Тўғри, менинг чиқишимда айрим хатолар бўлди. Бироз ҳаяжонландим, овозимда титроқ сезилди. Шунга қарамай, беллашувда иштирок эта олганимнинг ўзи мен учун ғалаба.

«Энг фаол ёш тарғиботчи» кўрик-танлови натижасига кўра, қизлар ўртасида Рес-

публика телевидение ва радио коллежи ўқувчиси Гулшаной Ҳайдарова, йигитлар орасида Тошкент ҳарбий телекоммуникация академик лицейи ўқувчиси Баҳриддин Гобов 1-ўринни қўлга кириштирди. Танловда қатнашган барча ёшлар «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар кенгаши қошида тузилувчи «Ёш тарғиботчилар» гуруҳига бирлаштирилади.

Наргиза УМАРОВА,
«Turkiston» мухбири.
Рустам Назарматов
олган сурат

СИФАТ ВА МИҚДОР УЙҒУНЛИГИДА

(Давоми, аввали 1-саҳифада)

Жумладан, институтнинг ҳудудий бўлинмалари ташаббуси билан фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича 1730 га яқин тадбир ўтказилган бўлиб, шундан тўрт юздан ортиги туманларда ташкил этилди. Шу билан бирга, Концепция талаблари асосида ишлаб чиқиладиган лойиҳаларнинг жамоатчилик муҳокамасига бағишлаб ННТлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар, сайлов комиссиялари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг беш минг нафардан зиёд вакиллари иштирокида уч юздан ортиқ давра суҳбатлари ва семинарлари ўтказилди. Демократик давлатларнинг фуқаролик жамиятини шакллантириш йўналишида тўплаган бой тажрибасидан фойдаланиб, Концепция асосида ишлаб чиқилган қонун лойиҳалари бўйича аниқ тақлифлар тайёрланди.

Конференцияда таъкидланишича, институтнинг мониторинг тадқиқотлари натижалари фуқаролик жамияти институтларининг демократик ислохотларни изчил амалга оширишдаги роли ва аҳамияти тобора ортиб бораётганлигини кўрсатди. Буни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш бўйича қабул қилинаётган йиллик давлат дастурларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлар фаол иштирок этаётганида ҳам кўриш мумкин. Биргина «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижросида ўттиз битта республика, 430 дан зиёд ҳудудий ННТ фаол қатнашди. Тадбирда Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ривожланишининг ҳолати ва истиқболлари хусусида ҳам атрофлича сўз юритилди.

Ҳисоботда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти олдида турган вазифаларни бажаришда ҳали ишга солинмаган имкониятларга, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришдаги мавжуд муаммоларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Конференция яқунлари асосида фуқаролик жамияти институтларининг мамлакатни демократик янгиллаш ва модернизациялаш жараёнидаги ролини янада оширишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди.

Рустам ЮСУПОВ,
«Turkiston» мухбири

Muqaddas burch

Президентимизнинг 2013 йил 20 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларига фуқароларнинг навбатдаги чақируви ҳамда муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни хизматдан бўшатиш тўғрисида»ги қарорига асосан Урганч шаҳрида муддатли ҳарбий хизматга чақирилган ёшларни армияга кузатиш маросими бўлиб ўтди.

ЮРТ ХИЗМАТИГА ШАЙ

Тадбирда Хоразм вилояти, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, «Камолот» ЁИХ, Маънавият тарғибот маркази вакиллари, йигитларнинг оила аъзолари ва яқинлари қатнашди.

Иштирокчилар Ватанни ҳимоя қилиш йўлида юрт ўғлонларига омад тиладилар. Муддатли ҳарбий хизматга чақирилган ёшлар номидан

«Камолот» ЁИХ Урганч шаҳар кенгаши фаоли, «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони соҳиби Темур Жуманиёзов сўзга чиқди. У йигитлик бурчини юксак даражада адо этиш, хизмат чоғида ҳарбий интизомга риоя қилишга ваъда берди ҳамда мамлакатимизда ёшларга яратиб берилган имкониятлар учун

миннатдорлик билдирди. — Ҳарбий қисмда етакчилик фаолиятини давом эттириб, сафдошларим учун қизиқарли лойиҳаларни амалга оширишга ҳаракат қиламан, — деди Темур Жуманиёзов. Тадбир якунида ёшлар учун байрам дастурхони безатилди.

Фозил БОЛТАЕВ

«Kamolot» ko'z'gusi

СУРАТЛАРДА СОҒЛОМ ҲАЁТ ИФОДАСИ

Пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги 231-мактабда «Биз соғлом турмуш тарзини танлаймиз!» шиори остида расмлар танлови бўлиб ўтди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Ҳамза тумани кенгаши ўтказган ушбу танловда вояга етмаган ўқувчи-ёшлар орасида ахлоқий-маънавий тарбияни кучайтириш, ёшларни шахсий гигиена қоидаларига амал қилиш, соғлом турмуш тарзи асосида камол топишларига кўмаклашиш, уларга ОИТС, гиёҳвандлик, алкогольимизнинг салбий оқибатларини тушун-

тириш ва огоҳликка чақириш мақсадида ташкил этилди. Танловда тумандаги йигирма тўққизта мактабдан ўттиз беш нафар ҳаваскор ёш ижодкор қобилиятини намоёйиш этди.

Танлов натижаларига кўра, биринчи ўринга 67-мактаб ўқувчиси Нодира Юсупованинг, иккинчи ўринга 166-мактаб ўқувчиси Аҳад Мардоновнинг, учинчи ўринга 152-мактаб ўқувчиси Шерзод Насимовнинг чизган расмлари муносиб кўрилди.

Анатолий КЕЧИН,
Ҳамза туманидаги 166-мактабнинг
«Камолот» ЁИХ бошланғич
ташкilotи етакчиси

ЎЗБЕК ШАХМАТИ — РИВОЖЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧИДА

Мамлакатимизда болалар спортини жадал ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор ёш авлодни жисмонан соғлом, маънавий етук, юксак интеллектуал, салоҳиятли инсонлар этиб тарбиялаш ва ўзбек спортининг жаҳондаги нуфузини янада оширишда муҳим омил бўлмоқда. Айниқса, шахмат каби юксак салоҳият ва ўткир ақл-заковат талаб этадиган спорт турида муваффақиятга эришаётган ўзбекистонлик ёшлар сафи кенгайиб бораётгани қувонарлидир.

Ўзбек шахматида эришилаётган ютуқлар, соҳада амалга оширилаётган ислохотлар хусусида Ўзбекистон шахмат федерацияси Ижроия қўмитаси аъзоси Олимжон Ўсаров билан суҳбатда бўлдик.

— Мустақиллик йилларида Юртбошимизнинг жисмоний тарбия ва спортга, жумладан, болалар спортини ривожлантиришга эътибори ва ғамхўрлиги туфайли спортнинг барча турлари қатори шахмат ҳам сезиларли даражада ривожланганлиги ҳеч кимга сир эмас. Бугун диёримиз том маънода шахмат бўйича ийрик халқаро мусобақалар майдониغا айланди. Бу ҳақда фикрингиз қандай?

— Албатта, юртимизда болалар спортини ривожлантириш, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар таҳсинга лойиқ. Муҳтарам Юртбошимизнинг 2002 йил 24 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги ҳамда 2004 йил 29 августдаги «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2010 йил 5 майда қабул қилинган «Болалар спорт объектидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори болалар спорт объектидан самарали фойдаланиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, болаларни жисмоний тарбия ва спортга янада кенгроқ жалб этишда муҳим дастуриламал бўлмоқда. Кейинги йилларда ёшларимиз ўртасида спортни оммалаштириш, болалар спортини мажмуавий ривожлантириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар олиб борилмоқда. Айниқса, Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилгандан буён барпо этилган 1113 та объект, жумладан, 252 та спорт мажмуаси ва 861 та спорт залларидан 84 фоизи қишлоқ жойларда қурилгани муҳим аҳамиятга эга. Биргина ўтган йилнинг ўзида 113 та спорт иншооти ва сузиш хавзаси қурилиб, фойдаланишга топширилгани ва уларнинг аксарияти қишлоқ жойларида ишга туширилгани таҳсинга сазовор. Бу мақсадлар учун 210 миллиард 400 миллион сўм маблағ йўналтирилгани Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга, айниқса, болалар ва ёшлар орасида кенг оммавийлаштиришга эътибор қаратилаётганининг ёрқин намунасидир. Энг муҳими, барча спорт мажмуалари замонавий спорт инвентарлари ва малакали мураббийлар билан таъминланмоқда. Бунинг натижаси ўларок, бугунги кунда мамлакатимизда 2 миллионга яқин бола спортнинг 30 дан зиёд тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, мазкур спорт объеклари, асосан, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган спорт инвентарлари ва ускуналари билан жиҳозланмоқда.

Албатта, яратилган имкониятлар боис бугун йигит-қизларимиз жаҳон спорт майдонларида улкан ютуқларга эришиб, юртимиз шаъни ва байроғини баландга кўтармоқдалар. Ютуқлар қаторида ёшларнинг шахмат бўйича мусобақалар-

да ҳам қатнашиб, юксак марраларни эгаллаётганликларини алоҳида таъкидлаш лозим. Жумладан, ўтган йили ва жорий йилдаги жаҳоннинг номдор шахматчилари иштирокидаги эркаклар ва аёллар ўртасидаги ФИДЕ Гран-При турнирлари, 20 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида Осиё чемпионати, Марказий Осиё кубоги ва бошқа кўплаб халқаро мусобақаларга мамлакатимизнинг мезбонлиги қилиши ва бу тадбирларнинг юксак савияда ўтиши Ўзбекистоннинг шахмат дунёсидаги салоҳиятини янада оширди. Келгуси йили ёшлар ўртасида Осиё чемпионати ва бошқа қатор халқаро турнирларнинг Тошкентда ўтказилишининг белгиланиши ҳам юртимизнинг шахмат оламида муносиб ўрни борлигидан далолатдир. Нафиса Мўминованинг халқаро гроссмейстер бўлгани ва «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони билан тақдирланиши, Нодирбек Абдусатторовнинг 8 ёшгача болалар ўртасида жаҳон чемпиони бўлиши, 6 ёшли Ислонбек Синдоронинг қитъа чемпиони даражасига эришгани, Шамсиддин Воҳидов, Ортиқ Нигматов каби умидли шахматчиларимизнинг мактаб ўқувчилари орасида Осиё чемпионлигига сазовор бўлиши спортда юртимиз довуғини дунёга ёядиган янги авлод шаклланаётганлигидан дарак бермоқда.

— Эришилаётган ютуқларда Республика шахмат федерациясининг ҳам алоҳида ўрни бор. Федерация фаолиятини сиз қандай баҳолайсиз?

— Тўғри таъкидладингиз, ўтган вақт давомида Федерация ўз олдига қўйган вазифаларни бажаришга, мамлакатда шахматни ривожлантириш ва оммалаштириш борасида кенг қамровли ишларни йўлга қўйишга эришди. Халқаро мусобақалар билан бир қаторда республика ва минтақалар миқёсидаги муҳим тадбирлар уюштирилди. Шахмат мактаблари, клублари, муассасалари сони кўпайди, улар фаолиятининг самарадорлиги ошди. Маълумки, 1992 йил ФИДЕга аъзо бўлиш ҳақидаги расмий мурожаатдан сўнг Ўзбекистон шахмат Федерацияси ФИДЕ сафига қабул қилиниб, унинг тўлақонли аъзосига айланди. Ва илк маротаба Ўзбекистон эркаклар терма жамоаси Манила шаҳридаги (Филиппин) халқаро шахмат мусобақаси — Бутунжаҳон шахмат Олимпиадасида иштирок этиб, АҚШ, Англия, Венгрия, Хитой ва Арманистон каби кучли терма жамоаларни енгиб, кумуш медаль соҳиби бўлди.

Бугунги кунда Ўзбекистон шахмат федерацияси аъзолари сони 6 500 нафардан ортди, улардан 16 нафари (жумладан уч аёл) халқаро гроссмейстер, 25 нафари халқаро спорт устаси, 16 нафари ФИДЕ устаси, 123 нафари Ўзбекистон спорт устаси, 1224 нафари спорт усталлигига номзод ва 3,5 минг нафари 1-разрядли шахматчилар саналади. Қувонарлиси, бугунги кунда мамлакатимизда 63 мингдан ортиқ киши шахмат билан мунтазам шуғулланаяпти. Шунингдек, Ўзбекистон шахмат федерациясининг Самарқанд, Сурхондарё, Фарғона, Андижон, Наманган, Бухоро, Сирдарё,



Жиззах вилоятлари ва Тошкент шаҳри ҳудудий бўлинмалари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда нуфузли шахмат мусобақаларига Ўзбекистон мунтазам равишда мезбонлиги қилмоқда. Албатта, бу ўринда муҳтарам Юртбошимиз томонидан мамлакатимизда спортнинг ривожига алоҳида эътибор қаратилаётганлигини ҳамда замонавий спорт иншоотлари қурилиб, фойдаланишга топширилаётганлигини, натижада ўзбек спортчилари халқаро мусобақалар ва жаҳон чемпионатларида шохсупанинг баланд поғоналаридан жой олаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Хусусан, 2011 йилда Тошкентда шахмат бўйича жаҳон чемпионлари Вишванатан Ананд ва ҳамюртимиз, 17-жаҳон чемпиони, халқаро гроссмейстер Рустам Қосимжонов ўртасида ўртоқлик учрашуви ўтказилди. 2012 йилда Ўзбекистон шахмат федерацияси илк маротаба пойтахтимиз Тошкентда ФИДЕ шафелигидан жаҳоннинг энг кучли 12 нафар шахматчилари ўртасидаги Гран-При турнирига мезбонлиги қилди. 2013 йилда эса ФИДЕ президенти К.Н.Илюмжинов ташаббуси билан ФИДЕнинг аёллар ўртасидаги Гран-При мусобақаси муваффақиятли ўтказилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон шахмат федерацияси ташкил этган қўйидаги мусобақаларни санаб ўтиш мумкин: 2011 йил ФИДЕ президенти Кирсан Илюмжинов соврини учун шахмат бўйича Марказий Осиё кубоги мусобақаси; 2012 йил 20 ёшгача ёшлар ўртасида шахмат бўйича Осиё чемпионати; ўзбекистонлик биринчи гроссмейстер Георгий Агзамов хотирасига бағишланган 4-халқаро шахмат турнири ва ҳоказолар.

Бу каби юксак даражадаги шахмат мусобақаларининг ўтказилиши нафақат ёшлар орасида шахматга катта қизиқиш уйғотмоқда, балки ёш шахмат усталари маҳоратнинг юксалишига ҳамда юртимизда шахматнинг оммалашувига хизмат қилмоқда.

— Келинг, шу ўринда юртимиз шахматчиларининг спорт мусобақаларида эришаётган ғалабаларини эътироф этган ҳолда энг аҳамиятли ютуқларимиз ҳақида тўхталиб ўтсак. Зеро, голиблар орасида олти ёшгача бўлган болаларнинг совриндорлар сафида эканлиги қувонарли, албатта.

— Дарҳақиқат, шахматга болалиқдан ошно бўлиб, бугун жаҳон ареналарида барчани лол қолдираётган ўзбекнинг ақлу заковатга бой, интеллектуал салоҳиятли ёшлари бор экан, юртимизда спортнинг ушбу тури тобора оммалашиб, ёш шахматчилар сони ортиб бормоқда. Бу эса барчамизни гурурлантиради. Ана шулардан айримлари ҳақида тўхталиб ўтсам. 2010 йил Гуанчжоудаги (Хитой) Осиё ўйинларида Рустам Қосимжонов шахсий ҳисобда биринчи, аёллар терма жамоамиз эса иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, 2011 йили Нодирбек Абдусатторов Осиё чемпионатида етти ёшгача бўлган тоифада биринчи ўринни эгаллаб, олтин ме-

даль соҳиби бўлди. 2012 йил Бутунжаҳон шахмат Олимпиадасида Антон Филиппов эркаклар терма жамоамиз сафида иккинчи ўринни қўлга киритиб, кумуш медаль совриндори бўлди. Нодирбек Абдусатторов эса саккиз ёшгача бўлган болалар ўртасида жаҳон чемпиони бўлди.

Таъкидлаш жоиз, шахмат бўйича Ўзбекистон терма жамоаси 2011, 2012 ва 2013 йилларда кетма-кет уч қарра биринчи ўринни эгаллаб, Марказий Осиё Кубоги соҳиби бўлди. Шахсий ҳисобда эса Марказий Осиёда 2011 йили — Рустам Қосимжонов, 2012 йили — Алексей Барсов, 2013 йил — Жаҳонгир Воҳидов биринчи ўринни эгаллади.

Яқинда Бирлашган Араб Амирликларининг Ал-Айн шаҳрида 8 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар, ўсмирлар ва қизлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида ёш шахматчимиз Баҳора Абдусатторова кумуш медални қўлга киритди. Албатта, биз спортчиларимизнинг фақат энг аҳамиятли ютуқларини санаб ўтдик. Ишонаманки, келгусида ўзбек шахматчилари энг нуфузли халқаро шахмат мусобақаларида ёрқин ўйинлар намойиш этиб, юксак натижаларни кўрсатади.

— Ютуқлар ўзимизники, аммо амалиётда учраётган камчиликлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Тўғри таъкидлаб ўтдингиз. Ҳар қандай ишнинг ютуғи баробарида айрим камчилик ва муаммолар ҳам кўзга ташланади. Масалан, ёш шахмат усталари яхши ютуқларга эришиб келаётган Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Қашқадарё, Хоразм вилоятларида шу кунга қадар Ўзбекистон шахмат федерациясининг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилмаган. Вилоят Маданият ва спорт бошқармалари бу масалага жиддий эътибор қаратмаётганлиги ачинарли ҳол. Ҳолбуки, мазкур вилоятларда замонавий талабларга жавоб берадиган бинолар, мустаҳкам моддий-техник база, малакали мутахассислар бор.

Ўз навбатида, Ўзбекистон шахмат федерацияси ҳакамларни тайёрлаш, мураббийларни аттестациядан ўтказиш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича барча ташкилий масалаларни ўз зиммасига олади. Жойларда вилоят биринчиликлари ва рейтинг-квалификация мусобақаларини ўтказишда услубий ёрдам беради. Имкон қадар шахмат жиҳозлари билан таъминлашга кўмаклашади.

Яна бир муаммо шундаки, мамлакатимизда шахмат соҳасида ташкилотчилик ва бошқарув ишларида мутахассислар танқислиги сезилмоқда. Федерация раисининг ўринбосари Хусан Турдалиевнинг саъй-ҳаракати билан Москвадаги Россия давлат жисмоний тарбия институтининг шахмат ихтисослиги бўлимига бу йил тўрт нафар ёш шахматчини ўқишга юбориш масаласи ҳал қилинди ва улар (С.Қурбонбоева, Э.Алиқулов, Г.Эсонбоева ва С.Зайниддинова) Москвада ўқишни давом эттириб, шахмат соҳасида ташкилотчилик ва бошқарув ишларида мутахассислар бўлиб қайтишади.

Намоз ТОЛИПОВ суҳбатлашди

Ta'lim muassasalarida

ЖАМОА АҲИЛ БЎЛСА...

Бирор уйга борсангиз, биринчи бўлиб унинг ташиқи кўриниши эътиборингизни тортади. Ховли дарвозаси, ундан ичкарига кириб, йўлакларига кўзингиз тушади, озодами, саранжом-сарийштами, беихтиёр баҳолайсиз. Унинг кўрки, сиртдан эътиборни ўзига жалб этиши биринчи таассурот. Энди унинг ичидаги муҳит қандай? Унда яшаётган кишиларнинг бир-бирига муносабати, тартиб-интизом, меҳр-оқибат масалаларига ҳам қизиқасиз, аниқроғи, атай қизиқмаганингизда ҳам, бу ҳақда ўз-ўзидан билиб олаверасиз.



Таълим муассасаси ҳам аслида катта хонадонни эслатади. Фарзандингиз ўқигани учун ёки бошқа сабаблар билан у ерга бориб турасиз, албатта. Шунда диққат қилишингиз тайин: хўш, менинг ўғлим ёки қизим шу ерда билим олаётми, бу ўзи қандай даргоҳ? Фарзандимни ишониб бердим, у бу ерда ўз қобилиятини қанчалик намоён эта олаётми? Бунга шароит, ўсишига ижодий муҳит борми? Ўқитувчилари яхшими? Айниқса, мактабларимиз ҳақида бундай гаплар кўпроқ кулоққа чалинади. Негаки, инсоннинг бор иқтидори айнан мактаб ёшида тўла шаклланади, ривожланади. Ҳаммамиз ўз ҳаёт йўлимизни мактабда ўқиб юрганмизда белгилаб олганмиз-ку.

Ангрен шаҳри Дукент кўрғонида жойлашган 43-умумтаълим мактабига йўлимиз тушар экан, у ердаги шароитлар билан ҳам қизиқиб кўрдик.

Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурига мувофиқ, 2009 йилда капитал таъмирланган мазкур даргоҳда барча ўқув хоналари замонавий ўқув жиҳозларига эга — бундан хурсанд бўлдик, албатта. Ахир, яхши билим олиш учун бугун замонавий техник воситаларнинг ўрни катта.

XXI асрда аниқ фанларни яхши ўзлаштирмай, компьютердан фойдаланишни тузук билмай туриб, яхши мутахассис бўлиш қийин. Атрофимизни замонавий техникалар, ахборот-коммуникация технологиялари ўраб турган бир пайтда, эҳ, аттанг, вақтида ўргани қўймаган эканман-да, дея афсус чекишнинг фойдаси йўқ.

Барча фанлар қатори физика, кимё ва биология фанларини ўқитишга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда, мазкур фанлар бўйича ўқув лаборатория хоналари замон талаблари даражасида жиҳозланган. Ахборот-ресурс маркази ҳақида ҳам фақат илиқ фикрлар айтиш мумкин.

Математикадан Назира Бойназарова, Зулфия Назарова, она тили ва адабиётдан Насиба Душаева ва Шоира Йўлдошева, тарихдан Маҳбуба Йўлдошева, инглиз тилидан Гулноза Мирзабоева, рус тилидан Фотима Турдиева, Гулбара Сатторова, географиядан Зохида Ражапова, шунингдек, бошланғич синф ўқитувчилари Гулчеҳра Боирова, Адолат Шаҳанова, Барнохон Норабиева, Раъно Анорбоева ўқувчилар кўнглига йўл топиб, уларнинг билим олишга бўлган қизиқишларини

ошириб келаётган педагоглардан.

Яна бир гап. Ушбу таълим муассасаси шаҳар миқёсида меҳнат таълими фани бўйича таянч мактаб ҳисобланади. Шунга мувофиқ тарзда «Маҳорат мактаби» ташкил этилган. Мазкур мактабни «Йилнинг энг яхши ўқитувчиси» кўрик-танлови совриндори, тажрибали устоз Курбон Дадажонов бошқаради. Унинг иш тажрибасини кўпгина ўқитувчилар ўрганиб боришяпти.

Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Дилфуза Зокирова шундай дейди:

— Мактабимизда иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш яхши йўлга қўйилган. Буни «Билимлар беллашуви» ва фан олимпиадалари натижалари ҳам кўрсатиб турибди. Хусусан, она тили ва адабиёт фанларидан Шаҳзода Эркинова (устози Насиба Душаева), рус тилидан Моҳинур Комилова (устози Лазокат Мамажоннова), географиядан Шаҳноза Ҳасанбоеванова (устози Зохида Ражапова) вилоят босқичига йўлланма олгани фикримиз тасдиғидир. Ўқитувчиларимиз шаҳар миқёсидаги фан ойликларидан ҳам фаол иштирок этиб келаяпти.

Мактабда «Устоз-шогирд» анъанаси йўлга

қўйилган, уни олий тоифали ўқитувчи Гулбара Сатторова бошқаради.

Мактабда маънавий-маърифий ишлар ҳам самарали олиб борилаётир. Тожинисо Алибоева бу борада ўқитувчиларга бош-қош. 48 та фан ва олтита спорт тўғрисида бор. «Мактаб — оила — маҳалла» ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган. Вояга етмаганлар билан изчил иш олиб борилаёпти. Ота-оналар, маслаҳатчилар ва ички ишлар бўлими ходимлари билан мустақам ҳамкорлик ўрнатилган. Бу борада мактабда ташкил этилган «Ота-оналар университети» фаолиятини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлидир.

993 нафар ўқувчига олти мишдан зиёд малакали педагог сабоқ бераётган мазкур мактабда йўлга қўйилган ишлар, қўлга киритилган ютуқларда педагог жамоанинг аҳиллиги, бир мақсад йўлида меҳнат қилаётгани каби омиллар муҳим аҳамият касб этаёпти. Албатта, буларда муассаса раҳбари, жонкуяр педагог, Ангрен шаҳар кенгаши депутати, «Шухрат» медали соҳибаси Гулнора Қорабоеванинг ҳам ўрни бор.

Ашурали БОЙМУРОД,
«Turkiston» мухбири

Jinoyat jazosiz qolmaydi

Бир фарзанднинг дунёга келиши қанча қувончга сабаб бўлади. Айниқса, ота-онанинг кўнглидан қандай ҳис-туйғулар ўтишини тасаввур қилиш қийин эмас. Шоир айтмоқчи, «Болам, деб яшайди ўзбек» — халқимизнинг болажонлиги ҳақида ортиқча таърифу тавсифнинг ҳожати бўлмаса керак.

ОТА НОМИГА НОМУНОСИБ

Минг афсуски, ҳаётда ана шундай ҳислатдан узоқ, кўксиданги меҳр ўрнини шафқатсизлик эгаллаган кимсалар ҳам учрайди. Болаларини яхши тарбиялаш, келажagini таъминлаш ўрнига, уларни ўз ҳолига қўйиб қўйган, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик сингари иллатларга шўнғиб, оиласига, фарзандларига жабр қиладиган инсонларни нари борса, э, булар бир адашган бандалар-да, инсоф берса, ҳаётлари ўнглаиб кетади, дейиш мумкин. Лекин ўз зурриёдини пул эвазига ўзгалар қўлига қўшқўллаб топширишга урингани (ўқувчи, бизни маъзур тутинг, «фарзандини сотди» деган сўзни қўллашга тилимиз бормайди) ким деб аташ мумкин?..

Қашқадарё вилояти ИИБ ходимлари яқинда шундай мудҳиш ҳолатнинг олдини олишга муваффақ бўлдилар.

Эндигина йигирма ёшга қадам қўйган Рамил Далимов (исм-фамилияси ўзгартирилган) Муборак туманида туғилиб, шу ерда истиқомат қилиб келаяпти. У жиноий шериги Фаслия Фахмутова билан биргаликда эндигина туғилган чақалоқ — ўғил болани сотишга қарор қилишди. Болакайга ҳатто нарх ҳам белгилашди: 2800000 сўм. Болафуруш ота харидор излаб, бу ниятлари ҳақида таниш-билишларига маълум ҳам қилишди. Воқеадан хабар топган вилоят ИИБ ходимлари тезда жиноятнинг олдини олишга киришдилар.

Ташкил этилган тезкор тадбирда нобакор ота қўлга олинди, у гўдакни харидорларга белгиланган нархда пуллаётган эди...

Ушбу жиноий хатти-ҳаракати учун Рамил Далимовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-моддаси 3-қисмининг «в» банди билан жиноят иши қўзғатилиб, қонуний жазо белгиланди.

Тиббиёт ходимлари чақалоқнинг соғлом эканини аниқлашди. Бу кўнглига таскин беради, албатта. Аммо бу гўдак энди ота-онаси бағрида улғая олмаслиги, отаси жиноятчи номини олгани кишида афсус уйғотади.

Фазилат АБДУРАҲМОНОВА,
Қашқадарё вилоят ИИБ ИХХК ва
ЮТБ ОАВБАҚ гуруҳи катта инспектори.
Шавкат КАРОМОВ,
«Turkiston» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING РАСМИЙ ВЕБ-САЙТИ (www.parliament.gov.uz)да ЁШЛАР ЎРТАСИДА «ПАРЛАМЕНТАРИЗМ БИЛИМДОНИ – 2014» ОН-ЛАЙН ТАНЛОВИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Танловнинг асосий шартлари ва талаблари:

1. Танлов иштирокчилари — 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар.

2. Танловнинг мақсади — ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини ошириш, улар орасида Конституция ғояларини ва ушбу ғоялар асосида қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилишга кўмаклашиш, миллий парламентнинг фаолияти тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборот олишни таъминлашдан иборатдир.

3. Танловда қатнашиш қоидалари. Танловда иштирок этишни хоҳловчилар танлов иштирокчиси сўровномасини тўлдирдишлари лозим. Унда ўзи ҳақидаги маълумотлар (исм-фамилияси, туғилган йили, иш ёки ўқиш жойи, яшаш манзили, телефон рақами) кўрсатилади. Танлов иштирокчисининг сўровномаси Қонунчилик палатаси веб-сайтида жойлаштирилади.

4. Танловнинг асосий шартлари. Танловга бериладиган саволлар Қонунчилик палатасининг расмий веб-сайтида ҳар ҳафтанинг сешанба куни жойлаштирилади (март ойидан декабр гача). Танлов иштирокчиларининг

жавоблари савол эълон қилинган ҳафтанинг **якшанба** кунига қабул қилинади. Ушбу муддат давомида танловнинг ҳар бир қатнашчиси саволларга фақат бир марта жавоб бериши мумкин. Шунингдек, иштирок этишни хоҳловчилар танловнинг исталган туридан бошлаб қатнашиш ҳуқуқига эга.

5. Танлов саволларининг йўналишлари:

— Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари;

— Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолияти;

— Депутатлик бирлашмалари фаолияти (сиёсий партиялар фракциялари, депутатлик гуруҳлари сони, уларнинг таркиби ва ваколатлари)

6. Танловни баҳолаш мезонлари — ҳар ҳафта (танлов тугагунга қадар) сешанба куни мазкур учта йўналиш бўйича 3 та савол 4 та жавоб варианты билан эълон қилинади. Ҳар бир тўғри жавоб бир балдан баҳоланади. Барча савол ва жавобларнинг вариантлари ўзбек ва рус тилларида жойлаштирилади. Қонунчилик палатасининг веб-сайтида ҳар душанба куни танлов қатнашчиларининг рейтинг жадвали эълон қилинади, унда

қатнашчиларнинг исм-фамилияси ва умумий баллари кўрсатилади.

7. Танлов голибларини аниқлаш ва тақдирлаш. Танлов натижаларига кўра, йиғилган балларнинг миқдорига қараб уч нафар голиб аниқланади (**тўплаш мумкин бўлган энг юқори балл — 120 балл**). Агар тўпланган баллар ҳисоби тенглашиб қолса, голиблар ўртасида қўшимча тур ўтказилади. Голиблар Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг дипломи ва эсдалик совғалари билан тақдирланадилар. Танловда фаоллик кўрсатган ёшлар Қонунчилик палатасида ўтказиладиган тантани тақдирлаш маросимида қатнашиб, Қонунчилик палатаси фаолияти билан яқиндан танишадилар.

8. Танловни ўтказиш муддати — 2014 йил 4 мартдан 2014 йил 1 декабр гача.

Он-лайн танловнинг ўзига хос жиҳати шундаки, унда саволлар компьютернинг электрон тармоғига киритилган бўлиб, жавоблар электрон тартибда ҳисоблаб чиқилади ва голиблар аниқланади.

Танловда фаол иштирок этинг ва миллий парламентаризм билимдонига айланинг!

Ma'naviyat

ҲАР ГАЛ ЎҚИГАНДА ЯНГИ МАЪНО ТОПАСИЗ

Кўпинча оддий гап, қуруқ насихатлар кутилган натижани бермай қолганда, ҳикматли сўз, мақол ёки шоирларнинг ўлмас байтлари ёрдамга келади. Масалан, ўқувчиларга маънавиятдан сабоқ бераянсиз, дейлик. Меҳр-оқибат, ота-онани, яқин инсонларни қадрлаш ҳақида гапира туриб, уларни ҳурмат қилинг, эъзозланг, авайланг, деб тўрт-беш марта такрорлагандан кўра, Алишер Навоийнинг «Бошни фидо айла то қошига» деб бошланувчи шеърини мисол келтириб, озгина шарҳлаб берсангиз, таъсири бошқача бўлади.

Ҳа, буюк аждодларимизнинг ҳаёт йўли, тутган йўллари, ёзган асарлари бизга ҳаммиша маёқ, турму-

шимизда фойдаланадиган баҳоси йўқ хазинадир.

Тошкент давлат юридик университети қошидаги

академик лицейда ҳам улуг боболаримизнинг илмий ва ижодий фаолиятини, ҳаётларини ўрганиш, улардан ўрнак олишга катта эътибор қаратилади. Хусусан, Алишер Навоийнинг машҳур «Хазойин-ул маоний» девонлар мажмуаси, «Хамса»сидан ўрин олган дostonлари, илмий асарлари пухта ўргатилибгина қолмай, бу мутафаккир зотнинг инсоний фазилатлари, ёр-дўстларга меҳру садоқати, илм ва адабиёт, санъат ва маданият аҳлига кўрсатган мурувватлари, халққа қилган беминнат хизматлари ҳақида ўқувчиларга етарли маъ-

лумотлар бериб, уларни ана шундай шахс бўлиб камол топишига ундовчи суҳбатлар ўтказиб борилди.

Навоий каби улуг инсонлар ҳаёти ва ижодини ўрганиш — маънавият осмонида парвоз қилишдек гап. Улар ижодини ўрганар экансиз, ҳар гал янги-янги маъно топасиз, ҳар куни бир янги қиррасини кашф этиб бораверасиз. Улар қалбимизни комилликка чоғлайди.

**Раъно МЕЙЛИЕВА,
ТДЮУ қошидаги
академик лицей
ўқитувчиси**

Байтлар гуллагайдир кўнгилад боғида

* * *

*Оҳуқўз хуркаккинам, оҳингга ботсам майлими?
Сочларинг исёнида жонимни сотсам майлими?*

*Тун ёзиб қўйган қаро чодирни ёлғиз судрабон,
Завқларинг оғушида мастона ётсам майлими?*

*Сарҳисоб айлаб чиқай бошингда юлдузларни ҳам,
Юлдузимни юлдузинг кафтига отсам майлими?*

*Юзларингни қизғониб кўрсатмаган дарвозадан,
Байтларимдан дор қуриб пинҳона ўтсам майлими?*

*Тоқатимни тоқ этиб умримни шўр саҳросида,
Изларингни излабон бўронда қотсам майлими?*

*Нозларинг соғинчларим майдонида сочганда гул,
Лабларинг титроғидан оромни тотсам майлими?*

*Кипригинг пайконида жон сақлағай Ахтамқули,
Кўзларинг тўфонидида ақлим йўқотсам майлими?*

* * *

*Қувонч қалбимда нур сочса, очилгайман қучоғингда,
Дилим дарё бўлиб тошса, шошилгайман қучоғингда.*

*Мени маст айлағай борлиқ, оловранг лолалар ёрлиқ,
Адо қилганда хушторлиқ ёқилгайман қучоғингда.*

*Олиб дарс андалиблардан, ўзиб кетдим рақиблардан,
Қочиб тиғи табиблардан, чопилгайман қучоғингда.*

*Жазонинг доридан ўтдим, ғанимнинг боридан ўтдим,
Жунун бозоридан ўтдим, осилгайман қучоғингда.*

*Адашсам тентираб муздан, совуқ чимчиб олар юздан,
Ҳаётим ранг олиб куздан, сочилгайман қучоғингда.*

*Бўлар кўксинг менга қалқон, лабиндан тунда олсам жон,
Соғинчимдан униб армон, сотилгайман қучоғингда.*

*Кезар Ахтамқули ойлаб, сабр гулзоридида пойлаб,
Қарочиққа юзинг жойлаб, отилгайман қучоғингда.*

* * *

*Сен ғазал уммонидида дур излаган онимни кўр,
Йўлларимга термулиб турган қадрдонимни кўр.*

*Изларимни изтириб саҳросида сарғайтириб,
Дилга Ёр, бошимга нур сочувчи осмонимни кўр.*

*Байтларимни куйдирар, қалбимни ўтлиғ оташи,
Гоҳ юрак зардобидан айланмаган қонимни кўр.*



*Тунда сўзлар жомига жонимни қўйсам ўртаниб,
Бир сиқим тупроққа бош қўйганда ҳамёнимни кўр.*

*Тўкилиб битганларим сирлашса кўнгилад билан,
Ҳайқириб шеър жангида узганда пайкониимни кўр.*

*Кўзларинг гирдобидида пинҳона фарқ бўлган куним,
Айрилиқ савдосидан чиқмайдиған жонимни кўр.*

*Ол назм дунёсини сархуш кезиб, Ахтамқули,
Дард соғинч гулзорига тўлганда имкониимни кўр.*

УКАМ ҒОФИРГА

*Тоғларимни соғиниб дил бўлди қон, отамга айт,
Кўзларимдан кетмаган булбулзабон отамга айт.*

*Боғларим қир бағрида пинҳона кўкка айтди роз,
Тик туриб чарх остидида бермоқда жон, отамга айт.*

*Мункайиб кўз нурию умрин йўқотганларга боқ,
Айрилиб дунёсидан чопгай чунон, отамга айт.*

*Кўмилиб кетди Карим мерганни кўҳна милтиғи,
Оҳулар оҳ чекмагай бундан буён, отамга айт.*

*Онамиз кўз ёшини ичган ниҳоллар яшнағай,
Изладим даргоҳидан бир бурда нон, отамга айт.*

*Тунлари сўз жангида рангсиз адо бўлгай қалам,
Билдирар танҳолигим тақдир шу он, отамга айт.*

*Бору йўғим тўртта шеър, бошимда битмас бошпана,
Омадим ҳеч чопмагай борсам қаён, отамга айт.*

*Байтларим, Ахтамқули, гуллайди кўнгилад боғида,
Ҳосилин бермоғи ҳам бир кун аён, отамга айт.*

АХТАМҚУЛИ



Метеорит портлади

Аргентинанинг Санта-Фе провинцияси осмонида метеорит портлади. Санта-Фе шаҳри Буэнос-Айресдан 350 километр узоқда жойлашган.

Воқеа ҳақида маҳаллий обсерватория маълумот берган. Куннинг биринчи қисмида портлаган метеоритнинг ёрқин чақнашидан сўнг, гумбурлаган овоз эшитилган. Портлаш тўлқини уйларни зиррилатиб юборган. Метеорит парчаларини мутахассислар қидиришмоқда. Ҳозирча воқеадан талофат кўрганлар ҳақида маълумот берилмади.

Об-ҳаво заводларга таъсир қилди

Японияда «Toyota», «Honda», «Suzuki» каби йирик автоконцернлар қалин қор ёғиши сабабли фаолиятини вақтинча тўхтатди.

Ташаббусни «Toyota» ўзининг Такаока ва Айти префектураларидаги заводларини ёпиш билан бошлади. Бу заводларда автоконцерннинг «Corolla», «iQ», «Prius» ва «Camry» моделлари ишлаб чиқарилар эди. «Honda» эса Саитама префектурасидаги заводда ишчилар сони камайиб кетгани боис, ёпишга мажбур бўлди. «Suzuki» корпорацияси автомобиль эҳтиёт қисмлари вақтида етиб келмагани туфайли вақтинча та-нафус эълон қилди. Мамлакатда яна тўққизта завод ўз фаолиятини вақтинча тўхтатган. Улар об-ҳаво бироз яхшиланиши биланоқ ишга тушишларини маълум қилган.

Янгилашиш талаб этилади

Хитой армияси учун йигирма-ўттиз йиллар олдин чиқарилган танклар мамлакатнинг ҳозирги ҳарбий хизматчиларига бироз мунча торлик қилиб қолди.

Мутахассислар ўтказган тадқиқот натижасида ҳарбийларнинг жисмоний кўрсаткичлари анчагина ошгани маълум бўлди. Уларнинг бўйи ўртача икки сантиметр ўсган бўлса, бел айланаси беш сантиметр катталашган. Натижада, ўттиз йиллар олдин чиқарилган танклар, ҳозирги Хитой аскарлари учун бирмунча торлик қилмоқда. Шунингдек, автоматлар ҳам уларга тўғри келмаяпти. Мутахассисларнинг сўзларига қараганда, улар жуда калта бўлиб, бу эса нишонни тўғри олишда қийинчилик туғдиради. Ҳукумат мамлакат ҳарбий қурилма ва қуроолларни қайта кўриб чиқишини маълум қилди.

Ўзаро келишув

«Facebook» ижтимоий тармоғи таниқли мессенжер «WhatsApp»ни сотиб олаётганини маълум қилди.

Икки томон 19 миллиард долларга келишган. «WhatsApp» сўнги йиллардаги энг ривожланаётган сервис бўлиб, фойдаланувчиларининг сони 450 миллионга етган. Йилига 99 цент эвазига фойдаланиш мумкин бўлган бу сервис мессенжерлар орасида ўз ўрнига эга.

Эслатиб ўтамиз, ўтган йили «WhatsApp» раҳбарияти мессенжерни «Google»га сотишни истамаган эди.

**Интернет манбалари асосида
Жавоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади**

1 savolga 1 javob

— Қўшни республикада туғилганман. Туғилганлик ҳақида гувоҳномам йўқолган. Энди гувоҳномани қаердан ва қай тартибда олишим мумкин?

Севара Эргашова, Нишон тумани

Саволга Қарши шаҳар «Никоҳ уйи» раҳбари Санобар Алимардонова жавоб беради:

— Бунинг учун шахсингизни тасдиқловчи ҳужжатингиз билан яшаш жойингиздаги ФХДЭ бўлимига ариза билан мурожаат қиласиз. У ерда анкета тўлдирасиз. ФХДЭ бўлими уни тасдиқлаб, туғилгангиз қайд этилган ФХДЭ бўлимига юбориб, сўров орқали гувоҳномангизни олиб бериши халқаро меъёрий ҳужжатларда белгиланган. Демак, бу борада муаммо бўлиши мумкин эмас.



2014-yil — Sog'lom bola yili

Мажжи болакайнинг кулгуси — бахтиёр ҳаёт белгиси.

Рустам Назарматов олган сурат

Word search grid containing various words related to health and children.

Тузувчи: Фахриддин Раҳимов

ВІЛАСІЗМІ?

Тил — мўъжиза. Баъзи тилларнинг хусусиятлари билан танишганимизда бунга яна бир марта ишонч ҳосил қиламиз. Масалан, Африкадаги суахили тили ниҳоятда ўзига хос. Унда битта сўз бирданига поезд, машина, велосипед, арава маъноларида ишлатилар экан. Савол туғилади: қайси ўринда уларни фарқлаш мумкин? Нима ҳақида гап кетаётгани, қандай шароитдалигига қараб бу тилда сўзлашувчилар маъноларини қийинчиликсиз тушуниб кетаверади.

Тивучи ва бичувчиларнинг кундалик иш қуроли қайчи бундан уч минг йил муқаддам ихтиро қилинган.

Футбол, қўл тўпи, хоккей каби ўйинларда дарвозанинг ишғол қилиниши «гол» дейилади. У инглизча сўз бўлиб, «мақсад» деган маънони англатади. Гол урган спортчи мақсадига эришган ҳисобланади-да.

Эъзога НАЖИМОВА тайёрлади

«TURKISTON» САВОЛ БЕРАДИ»

Ушбу медиа лойиҳа давом этади. Лойиҳа доирасидаги иккинчи учрашув 2014 йилнинг 27 февраль куни «Камолот» ЁИХ Хоразм вилояти кенгаши раиси Мансурбек Машарипов билан бўлиб ўтади. Суҳбатдошимиз ҳақидаги маълумотларни www.kamolot.uz сайтида ўқишингиз мумкин.

Савол ва таклифларингизни savol@turkiston.uz электрон манзили ёки (+9 9871) 233-79-69 телефон рақами орқали кутиб қоламиз.

Энг қизиқарли савол ва таклиф муаллифларини совғалар кутмоқда. Шошилинг, вақт оз қолди.

ЗУККО МУХЛИСГА САВОЛ:

«Адиблардан бири мендан (турли) халқлар ҳақидаги тарихлар, уларнинг бошланишлари ва шохобчалари, яъни ойлари ва йиллари устида у тарих эгаларининг ихтилофлари ва бу ихтилофлар сабаблари, машҳур байрамлар, турли вақтлар ва (ҳар хил) юмушлар учун белгиланган кунлар, миллатларнинг баъзиси амал қилиб, баъзиси амал қилмайдиган бошқа (маросимлар) ҳақида сўради ва мени имкон борича уларни жуда равшан баён этиб, ўқувчи фаҳмлайдиган, (турли) китобларни ахтариш ва у китоб эгаларини суриштиришга эҳтиёж қолдирмайдиган (бир асар ёзишга) даъват этди...»

Абу Райҳон Беруний қаламига мансуб мазкур сўзлар унинг қайси асари муқаддимасидан олинган?

Жавобингизни 25 февраль соат 16.00 га қадар 233-79-69, 233-95-97 рақамларига қўнғироқ қилиб беришингиз мумкин. Биринчи бўлиб тўғри жавоб йўллаган мухлис номи газетамизда эълон қилинади.

Ўтган сондаги саволнинг жавоби: Экзосфера.

Тўғри жавобни биринчи бўлиб Нишон туманидан Ҳайитмурод Абраҳматов йўллади.

YON DAFTARCHANGIZGA

Ўз қобилиятини ривожлантираётган киши бахтлидир.

Фалес



МУАССИС:

«КАМОЛОТ»

ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2007 йил 19 апрелда № 0242 рақам билан рўйхатдан ўтган.



Бош муҳаррир:

Ашуров Салим Тўраевич

Тахрир ҳайъати:

Баҳодир Фаниев, Мехриддин Шукуров (бош муҳаррир ўринбосари — «Turkiston»), Элмурод Нишоннов (масъул котиб — «Turkiston»), Ирина Кочергина (бош муҳаррир ўринбосари — «Молодёжь Узбекистана»), Елена Калинина (масъул котиб — «Молодёжь Узбекистана»), Рустам Қосимов

Навбатчи муҳаррир:

Умарова Наргиза Баҳодировна

Саҳифаловчи:

Рўзиев Зафар Хусанович

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Тахририят манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: (371) 233-95-97. (371) 233-79-69 e-mail: info@turkiston.uz

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида, А-3 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табак. Корхона манзили: «Буёк Турон» кўчаси, 41.

Индекслар: 203, 3203 Баҳоסי келишилган нарҳда.

Буюртма Г-257. Адади — 12819 Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 07.20 ЎЗА яқуни — 06.05

Оффсет усулида босилган.